

8-10-2019

SOCIAL - PEDAGOGICAL CONTENT OF INTELLECTUALLY CULTURAL POINTH

Jasurbek Akmaljonovich Qurbonov

Applicant for the Department of National Ideas, Basics of Spirituality and Law of the Kokand State Pedagogical Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Qurbonov, Jasurbek Akmaljonovich (2019) "SOCIAL - PEDAGOGICAL CONTENT OF INTELLECTUALLY CULTURAL POINTH," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 4 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss4/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SOCIAL - PEDAGOGICAL CONTENT OF INTELLECTUALLY CULTURAL POINTH

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

Қурбонов Жасурбек Акмалжонович

Қўқон давлат педагогика институти Миллий ғоя,
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация: *Мазкур мақола интеллектуал маданиятнинг бугунги глобал ўзгаришлар даврида пайдо бўлган муаммоларни бартараф этишдаги аҳамияти, уни ижодкор шахсда шакллантириш муаммолари ва ушбу тушунчани ижтимоий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилишга бағишланган.*

Калит сўзлар: *шахс, интеллект, маданият, фан, глобал муаммолар, интеллект механизми, интеллектуал капитал, интеллектуал саводхонлик, инновацион ғоялар, интеллектуал қобилиятлар, интеллектуал маданият, интеллектуал маданият тузилмаси, интеллектуал маданият функциялари.*

СОЦИАЛЬНО – ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО КУЛЬТУРНОГО ПОНЕТИЯ

Қурбонов Жасурбек Акмалжонович

Соискатель кафедры национальной идеи, основы духовности и права
Кокандского государственного педагогического института

Аннотация: *Статья посвящена социально – педагогическому анализу понятия интеллектуальной культуры и проблемам формирования его в творческой личности, его знанию при устранении проблем, возникших в результате сегодняшних глобальных перемен.*

Ключевые слова: *личность, интеллект, культура, наука, глобальные проблемы, механизм интеллекта, интеллектуальный капитал, интеллектуальная грамотность, инновационные идеи, интеллектуальные способности, интеллектуальная культура, система интеллектуальной культуры, функции интеллектуальной культуры*

SOCIAL - PEDAGOGICAL CONTENT OF INTELLECTUALLY CULTURAL POINTH

Qurbonov Jasurbek Akmaljonovich

Applicant for the Department of National Ideas, Basics of Spirituality and Law of the
Kokand State Pedagogical Institute

Abstract: *The article is devoted to the social - pedagogical analysis of the concept of intellectual culture and the problems of its formation in a creative person, his knowledge while eliminating the problems that have arisen as a result of today's global changes*

Keywords: *personality, intellect, culture, science, global problems, intelligence mechanism, intellectual capital, intellectual literacy, innovative ideas, intellectual abilities, intellectual culture, intellectual culture system, intellectual culture functions*

Бугунги кунда шахс маънавияти таркибида унинг интеллектуал тафаккури, ақлий фаолияти ва фан қадриятлари ижтимоий ривожланишга жиддий таъсир

кўрсатмоқда, модомики, шундай экан, унинг ақлий-малакавий омилкорлиги, илмий тафаккури ва илм-фан соҳасидаги фаоллигининг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этиш ўта долзарб муаммо саналади. Зеро, айтиш мумкин, биз ҳар қандай давлат ва жамиятнинг эртанги ривожини шубҳасиз унинг халқи интеллектуал савиясининг юқори даражаси билан ўлчанадиган даврда яшамоқдамиз. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, - “бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаётган экан, бунинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Бунинг боиси - аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдилари нақадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидир” [1].

Республикамизда замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, таълим муассасаларининг ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларини халқаро талаблар асосида янгилаш, ўқувчиларнинг иқтидори ва чуқур билимларни эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президент мактабларини ташкил этиш бўйича қатор ташаббус ва ғоялар илгари сурилмоқда. Шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган синергетик таълим муҳитини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” [2] вазифалари белгилаб берилди. Бу эса, таълимни ахборотлаштириш шароитида талаба-ёшларда интеллектуал маданиятни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ҳозирги даврда табиий-ижтимоий муаммолар глобаллашиб, инсоният ҳаёти, авваламбор, умумбашарий ва планетар зиддиятларга айланиб бормоқда. Дарҳақиқат, кечаётган XX1 аср бошида жаҳонда нафақат молиявий-иқтисодий, шунингдек, энергетик инқирознинг чуқурлашуви ва кенгайиши ҳам кузатилаётган, бу эса олимлар олдига янги энергия манбаларини излаб топиш, аҳоли сони ортиши, экологик, шунингдек, табиий шарт-шароит ўзгариши билан юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш вазифасини қўймоқда. Шу маънода ҳозирги замон педагогика фани инқироздан чиқишнинг энг фаол иштирокчисидир. Айтиш мумкин, илм-фанга шахсда интеллектуал қобилиятларни тарбиялаши, уларни ижтимоий тараққиётнинг даъваткор омилига айлантириш имкониятларига эгадир.

XX1 аср ижтимоий прогрессив тараққиётининг мазмунини ҳамкорлик ва “интеллект механизми”, замонавий ахборотлашган жамиятда бойлик яратиш асосини илмий билимлар ва ахборотлар ташкил этади. Шу сабабли интеллектуал маданият масалалари, у тўғрисидаги қонунлар илмий билимлар ривожланишига эмас, балки бутун жамият тараққиётига дахлдор муаммога айланиб қолди. Интеллектуал маданият масаласига фақатгина иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардангина эмас, балки ижтимоий-педагогик ёндашув ҳам зарурдир. Масаланинг

ижтимоий-педагогик таҳлилида интеллектуал маданиятнинг асослари, унда билим турларининг ўзаро трансформацияси, билимларнинг объективация ва генерация жараёнларига бўлган таъсирга эътибор қаратилади.

Интеллектуал маданиятни фалсафа ва маданиятшунослик назарияси асосида ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, шахснинг интеллектуал маданияти муаммоси, бир томондан, жамият маънавий маданияти, иккинчи томондан, шахс структуравий элементлари билан узвий боғлангандир.

Интеллектуал маданият билан ахлоқий маданият ўзаро боғланган бўлиб, бу таъсир асосини ташкил этувчи инсон фаолияти тарихий шарт-шароит ва характерига боғлиқ бўлади. Бироқ, уларнинг ўзаро таъсир ва муносабатини илмий таҳлил қилишда маданиятнинг бу соҳалари ўзига хослигини аралаштириб юбормаслик тақозо қилинади. Бу нарса рационаллашувга ҳам, яъни ахлоқнинг ўзига хослигини, Аллоҳ мавжудлигининг илмий асосларини амалий инкор этишга, ҳақиқий санъат фақат реалистик бўлишини тасдиқлашга, бошқа томондан, фанни эътиқодлар тизими сифатида талқин қилиш, космик кенгликлар маъносини топиш, реалликка параилмий ёндашишга ҳам мос келувчи турли ноилмий фанларни яратишга олиб келиши мумкин. Бу ноўрин аралаштиришлар содир бўлганда ва унинг турли тармоқлари ўртасидаги реал алоқаларни белгилашда маданият ўз яхлитлиги билан ижтимоий маъно касб этади.

Интеллектуал маданият тараққиёти инсоният ривожланиши, ижтимоий (илмий-техникавий) раванқ таъсирида юз беради, конкретлашади. Интеллектуал маданият янги шакллариининг юзага келиши унинг тараққиётидаги узилиш, олдинги шакллар барҳам топиши ва маданий меросни инкор этиш дегани эмас, албатта. Ҳар бир кейинги босқич унинг амалиёт, ҳаёт синови тасдиғидан ўтган асл жиҳатларини ўзида гавдалантиради. Бинобарин, рус олими В.С.Библер фикрича, “антик тафаккур тарзи маданият тарзида юз беради” [3].

Интеллектуал маданият ўзагини диалектик қонунлар ва ижтимоий-педагогик маданият ташкил қилади. Ёлғиз методологик билимларнинг ўзи муҳим илмий функцияни амалга ошира олмайди, балки фақат тафаккур маданиятини шакллантириш, шунингдек, билимларни яхлит ташкиллаш билан чекланади. Интеллектуал маданият шаклланишида эса умумилмий концепцияларнинг алоҳида ўрни бор. Улар асосан илмий билишнинг умумий хоссалари, қонуниятларини очишга хизмат қилади. В.И.Вернадскийнинг ноосфера концепцияси, Н.Борнинг физик принцип сифатидаги умумилмий ва гносеологик мақомга эга бўлган тизимийлик принципи ана шундай хусусиятга эгадир. Ўз ичига муаммо қўйиш, уни шакллантириш ва ижодий ечимини топишни, методологик рефлексияли билимларни олган методологик фаолият маданияти бу фаолиятнинг социал хотирадаги андозаларини ўзлаштиришга қаратилади. Бу билимлар нафақат ихтисослашган профессионал фаолият доирасидан чиқиш, шу билан бирга, қобилиятлар юзага чиқишида сифат ўзгаришлар рўй беришига ҳам кўмаклашади. Фаннинг эски қолипларидан ташқари чиқиш ва бу соҳада сифат ўзгаришлари қилишнинг яққол намунаси сифатида Коперник, Галилей, Лобачевский, Эйнштейн ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

Цивилизация тараққиётида интеллектуал соҳада олимлар - интеллектуал салоҳиятли кишилар, таълим ва кутубхоналар учта муҳим манбани ташкил қилади. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра инсоният тарихида зиёлиларнинг камайиши, таълим даражасининг пасайиши, кутубхоналарнинг беркитилиши жамиятда турғунлик, бузилишни келтириб чиқарган ва ривожланишга салбий таъсир кўрсатган. Модомики, шундай экан, интеллектуал тараққиёт тизимининг бу компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик социумнинг барқарор ривожланиши, янги назариялар, билимлар, инновация ва технологиялар амал қилиши, интеллектуал тажрибаларнинг ўзаро алмашинуви учун ўта зарурдир.

Шубҳа йўқки, бугунги кунда жамият интеллектуал ривожланишида янги инфор­мацион технологиялар инсоннинг билиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Янги шаклланаётган инфор­мацион комму­никатив муҳит социал маконда интеллектуал капитал учун ранг-баранг имкониятлар яратади. Интерактив инфор­мацион маконнинг муҳим хусусияти шунда кўринадики, электрон воситалар орқали эълон қилинаётган китоб, газета ва журналлар, илмий анжуманлар, маълумотлар базаси ва банки тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шундай қилиб, электрон асосда бугунги кунда инфор­мацион ва интеллектуал ресурслар ишлаб чиқариш, қабуллаш ва сақлашда янги инфор­мацион муҳит шаклланимоқда, уларнинг айримлари эса электрон кутубхоналарнинг рақамли коллекциялари, анъанавий кутубхона, архив, музейлар билан бир қаторда жамият интеллектуал маданияти таркибидан муносиб ўрин олмоқда.

Самарали интеллектуаллашувни социумда амалга ошириш учун турли халқаро илмий мактаблар, умуман фан тараққиётини интеграциялаш ва дифференциация қилишда эришилган тажрибалардан фойдаланиш зарур. Жамият қурилишида билимлар учун фан, бизнес ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни ҳам давлат, ҳам кооператив бошқаришдаги уйғунликни кучайтиришга интилиш муҳим роль ўйнайди.

Бугунги замонавий илмий билимлар ақл бовар қилмас даражада ривож топиб, ўз имкониятлари чегарасини кенгайтириб бормоқда. Янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда, янги ҳодисалар кашф этилмоқда, янги назария ва билимлар, янги фанлар юзага келмоқда. Уларни тадқиқ этишнинг методологик қуроллари яратилмоқда. Илмий потенциалнинг бундай даражадаги тараққиёти жамиятнинг интеллектуал маданиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқдаки, социал маконда кашфиётлар ва тадқиқотлар, билимларни тарқатиш ва узатишнинг бутунлай янги технологиялари юзага келмоқда.

Бугунги кунда дунё интеллектуал ўзгаришлар остонасида турибди. Чунки айнан интеллектуал маданият шахс, ташкилот, социумнинг ривожини ва такомиллигини таъминлайди. Аввало, фан ва техника ривожланиши натижасида интеллектуал капитал бизнинг катта бойлигимизга айланиб бормоқда. Уни қандай кўпайтириш ва шакллантириш мумкинлиги тўғрисида эса барча давлат раҳбарлари бош қотирмоқда. Шу мақсадларда ҳар бир мамлакат интеллектуал элитани шакллантиришнинг энг самарали усул ва методларини қидириб ишга солмоқда. Масалан, ҳатто миллий олимпия командалари 50% машғулотлар вақтини интеллектуал чидамлиликка сарфлайди. Йирик АҚШ, Япония компаниялари

технологиялар билан шуғулланувчи юз миллионлаб долларни персоналнинг интеллектуал саводхонлигига сарфлашади. Интеллектуал маданият инсон интеллектининг ва унинг тузилмавий компонентлари хусусиятларини ва улар ҳақидаги билимни талаб қилади. Булар: хотира, эътибор, ижодий фикрлаш, интеграциялашган фан сифатидаги интеллектологиянинг ташкил бўлиши кабилардир. Интеллектуал саводхонликнинг зарурий компоненти бу фикрлаш операцияларининг ва рефлексив ҳаракатларнинг яхлитлигидир.

“Интеллектуал маданият”нинг ички тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- интеллектуал компетентлик, яъни ўз ичига кенг дунёқараш, социумда ҳаётий фаолият олиб боришга тайёр интеллектуал тайёргарлик, интеллектуал универсалликлар тизимини ўз ичига олади;

- интеллектуал лаёқатлар ва улар асосида ривожланган интеллектуал қобилиятлар тизими;

- ўз-ўзини рефлексия қилиш асосида шакллантирилган тушунчалар тизими;

- интеллектуал тизимда шахс адаптациясини таъминловчи муҳим сифатлар тизими.

“Интеллектуал маданият”нинг асосий функциялари эса гносеологик, гуманистик, коммуникативлик, информацион, тарбияловчи ва ижтимоий-нормативдан иборатдир. Методологик билимлар тизими нуқтаи назаридан интеллектуал маданият ривожини: аксиологик, технологик, шахсий-ижодий, когнитив компонентларига эгадир. Булардан кўринадикки, шахс ижодий тафаккур воситасида янгилик яратади, хилма-хил муаммоларни қўяди ва ҳал қилади, уларнинг ўзига хос ечимларини, баъзан бундай ечимларга нисбатан бетакрор ёндашувлар, усуллар, методлар топади. Шахс тафаккурининг ижодий характери унинг ижтимоийлашувини таъминлади.

Интеллектуал маданият ўз олдига билиш фаолиятини режалаштириб, уни турли усуллар билан амалга оширувчи, манба ҳамда турли воситалар билан ишлашни мақсад қилиб олувчи ақлий меҳнат маданиятидир. Адабиётларда интеллектуал маданият инсоний ва структуравий капиталдан иборат эканлиги кўрсатилади. Инсоний капитал билим, турли ижодий қобилият, малака, ахлоқий қадриятларни ўз ичига олади. Структуравий капитал эса техникавий ва дастурий таъминот, ташкилий структура, офисдаги барча нарсаларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда ижтимоий педагогика фани доирасида интеллектуал маданият масаласи гносеологик ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганилмоқда. Интеллектуалликнинг мантиқий гносеологик таҳлилида интеллектуал маданият ўзига хос маънавий “объект-субъект” сифатида қаралади. Яъни, бунда интеллектуал маданиятнинг инсоний капитал қисмига эътибор қаратилади. Бу мулкка эгалик қилувчилар эгалик қилувчи субъект сифатида қаралиб, мазкур субъектларнинг ўзаро муносабати таҳлил этилади. Билимлар генерациясида, ижод жараёнида ҳам интеллектуал маданият муносабатлари мавжуддир. Бу ижод жараёнининг натижасида эмас, балки ижод жараёнининг олдинги босқичларида ҳам намоён бўлади. Яъни, янги билимлар вужудга келишида ижодкор албатта интеллектуал маданиятга эга бўлади. Ўз навбатида ўзбек олими А.Эркаев таъкидлаганидек,

“Билим ижодкорлик салоҳияти билан қўшилгандагина тафаккур маданияти юзага келади”[4].

Ижтимоий билимларнинг объективация ва генерация қилиш асосида қуйидаги интеллектуал маданият турлари ҳосил бўлади: субъектга тегишли маълум билимларга асосланган интеллектуал маданият, субъектнинг янги яратилган билимларга асосланган интеллектуал маданият, объективация қилинган олдиндан маълум билимларга асосланган интеллектуал маданият ва объективация қилинган янги яратилган билимларга асосланган интеллектуал маданият[5].

Интеллектуал маданият институтлари фаолияти индустриал жамиятда капиталистик муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишига ёрдам берди, аммо замонавий жамият мезонларининг ўзгариши мазкур институтлар фаолиятининг салбий томонлари ҳам борлигини кўрсатмоқда. Булар яратилган янги билимларнинг сир сақланиши, улардан эркин фойдаланиш мумкин эмаслигидир. Капитал инсон билимини фойда олиш воситасига айлантириш асносида, нафақат ёлланма ишчиларнинг кучини балки, инсон шахсига тегишли бўлган барча қобилиятларни ўзлаштириб олишга ҳаракат қилади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадикки, шахсда иқтидорлиликнинг шаклланиши кўпроқ юқори даражадаги билиш фаоллиги, тафаккур ва интеллектнинг ривожланганлиги билан боғлиқдир. Шу боис шахс камолотида ундаги қобилият ва иқтидор малакаларини олдиндан кўра олиш ва уларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтира олиши керак.

Иккинчидан, интеллектуал маданият инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланиб, унинг ёрдамида ёшлар онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, давлат, жамият, ташкилот, муассаса, жамоа, оила ва инсонларнинг замонавий ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бориш борасидаги янги моддий ва маънавий неъматларни, яъни шахс интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Тўртинчидан, интеллектуал маданият тушунчаси мазмунини ёритишдаги ягона тўғри ёндашув - бу уни илмий тадқиқ этишдир, бинобарин, бундай қилинганда ҳар бир босқич муайян таъриф бериш билан яқунланади, эришилган натижаларнинг йиғиндисини амалий муносабат ва алоқаларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот предмети бўлган муайян тушунчанинг таърифини ишлаб чиқади.

Бешинчидан, илмий адабиётларда интеллектуал маданиятнинг умумий моҳиятини акс эттирувчи таърифлар етарли эмас. Кўпинча интеллектуал маданият дейилганда ўзида тафаккурнинг турли томон ва хусусиятларини гавдалантирувчи қандай қурама ҳодиса тариқасида тушунилса, баъзи тадқиқотчилар уни шунчаки инсоннинг маънавий ва малакавий маданияти билан тенглаштиради. Ҳолбуки, бундай айнанлаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Олтинчидан, шахснинг интеллектуал маданияти унинг ақлий қобилиятига асосланган гносеологик фаолиятининг мақсад ва вазифаларини белгилаш, режалаштириш, ранг-баранг интеллектуал кадриятлар яратиш малакалари, билиш

манбалари ҳамда инфор­ма­цион-техникавий воситалар билан ишлай олиш қобилиятидир.

References:

1. Karimov I. A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. – T.: O'zbekiston, 2015. – B.170.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risida”gi PF-4947-son Farmoni. - O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 5-son, 70-modda. //www.lex.uz
3. Bibler V. S. Vek Prosveщeniya i kritika sposobnosti sujdeniya. Didro i Kant. - M. Russkoe fenomenologicheskoe obщestvo 1997. – S. 46
4. Erkaev A. Tafakkur erkinligi. – Toshkent: Ma'naviyat, 2007. – B. 41 b.
5. Orexov A.M. Intellektualnaya sobstvennost kak ob'ekt filosofskogo issedovaniya. Vestnik Moskovskogo universiteta. Seriya 7. Filosofiya. №1. 1997. - S. 31-48